

## HTML САҲИФАГА РАСМ ЖОЙЛАШТИРИШДА УЧРАЙДИГАН ХАТОЛАР ТАВСИФИ, УЛАРНИ ТУЗАТИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ.

Матжонов Тўрабек Отабек ўғли  
УрДУ магистранти

**Аннотация:** HTMLда расм, тасвир, товуш, анимация ва бошқаларни юклаш, очиш каби қатор имкониятларга эга. Расмлар техник жиҳатдан веб-саҳифага киритилмайди, балки веб-саҳифаларга боғланади. Мақолада HTML хужжатларга расм юклаш тартиби ва унда энг кўп такрорланадиган хатолар муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** HTML, тег, код, расм.

### ОПИСАНИЕ ОШИБОК, ВОЗНИКШИХ ПРИ РАЗМЕЩЕНИИ ИЗОБРАЖЕНИЯ НА HTML-СТРАНИЦЕ, ПОРЯДОК ИХ ИСПРАВЛЕНИЯ И ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ.

**Аннотация:** HTML имеет ряд возможностей, таких как загрузка и открытие фото, изображений, звуков, анимации и т. д. Изображения технически не встроены в веб-страницу, а связаны с веб-страницами. В статье рассматривается процедура загрузки изображений в HTML-документы и наиболее распространенные ошибки в ней.

**Ключевые слова:** HTML, тег, код, изображение.

### DESCRIPTION OF ERRORS THAT OCCUR WHEN PLACING AN IMAGE ON AN HTML PAGE, THE PROCEDURE FOR CORRECTING AND PREVENTING THEM.

**Abstract:** HTML has a number of possibilities, such as loading and opening photos, images, sounds, animations, etc. Images are not technically embedded in a web page but linked to web pages. The article discusses the procedure for uploading images to HTML documents and the most common mistakes in it.

**Keywords:** HTML, tag, code, image.

HTML - веб-саҳифаларни тавсифлаш тили бўлиб, бу жараён теглар асосида амалга оширилади [1]. Шу сабабли HTML - теглар тўпламидан иборат белгилаш тили деб ҳам юритилади [2].

HTML саҳифага расм жойлаштириш имконияти сабабли кўп холларда карталарни интернет муҳитида тарқатиш, юклаб олиш ва баҳам кўриш имкониятини беради.

**<IMG SRC ... >** теги HTML саҳифага расм жойлаштириш учун ишлатилади.

Расмлар техник жиҳатдан веб-саҳифага киритилмайди; расмлар веб-саҳифаларга боғланади. Бунда **<img>** ёрлиғи ҳавола қилинган расм учун бўш жой яратади.

HTML саҳифага интернетдан расм жойлаштириш учун **<IMG SRC ... >** тегига интернетда мавжуд расмнинг URL манзилени кўрсатиш етарли ва бу куйидагича амалга оширилади:

```
<html>
  <body>
    <h1> Rim umumiy urush xaritasi</h1>
    <img src= "https://upload.wikimedia.org/wikibooks/ru/b/b8/Rome_
total_war_map.jpg " alt="Рим урушларининг умумий картаси"
width="500" height="400">
  </body>
</html>
```

Натижада интернетдан Рим урушларининг умумий картаси экранда пайдо бўлади (1-расм)

---

# Research Science and Innovation House




**1-расм. HTML саҳифада интернетдан жойланган расмнинг кўрсатилиши.**

Шахсий компьютердаги расмларни HTML саҳифага жойлаштириш куйидагича амалга оширилади:

```
<HTML>
<BODY>
  <H1> Ўзбекистон туристик картаси </H1>
  <CENTER>
    
  </CENTER>
</BODY>
</HTML>
```


Натижада шахсий компьютерда мавжуд бўлган Ўзбекистон туристик картаси экранда пайдо бўлади (2-расм)





**2-расм. HTML саҳифада шахсий компютерда мавжуд бўлган расмнинг кўрсатилиши.**


Агар бирон сабабга кўра расм кўрсатилмаса, HTML саҳифанинг шу қисми фойдаланувчи учун мазмунини йўқотади (3-расм).



**3-расм. HTML саҳифада расмнинг акс этмаслиги.**

<img> ёрлиғи иккита зарурий атрибутга эга бўлиб, SRC - расмга йўлни, яъни хужжатга юкланадиган тасвир (URL) манзилини белгиласа, ALT - бирон сабабга кўра расм кўрсатилмаса, расм учун муқобил матнни акс эттиради (4-расм).





**4-расм. HTML саҳифада расм акс этмаган ҳолатда ALT атрибутининг муқобил матни акс эттириши.**


IMG - height ва width атрибутларидан фойдаланади. Бу иккита атрибут расм ёки картанинг ҳақиқий шакли ва ўлчамларини ўрнатиш ва экранда намойиш этиш тартибини ўрнатади. Бунда:

- height - расмнинг баландлиги (бўйи) ни белгилайди;
- width - расмнинг кенглиги (эни)ни белгилайди.

Height ва width атрибутларининг қиймати пикселларда ифодаланади ва куйидагича қўланади:

```
<HTML>
  <BODY>
    <H1> Орол денгизининг бугунги кўриниши </H1>
    
    
  </BODY>
</HTML>
```

Натижада Орол денгизининг бугунги кўриниши расми экранда пайдо бўлади (5-расм)



**5-расм. Расмнинг Height ва width атрибутларининг турли қийматида кўриниши.**

HTML ҳужжатларига юклатилган расмнинг экранда тасвирланмаслиги кўпчилик холларда қуйидаги хатолар сабабли келиб чиқади:

- Кодлар тўғри ёзилмаганлиги;
- Расмнинг кўрсатилган манзилда (папкада) мавжуд эмаслиги;
- Расм ва HTML ҳужжат бошқа-бошқа папкада бўлиши;
- Расмнинг номи ва HTML ҳужжат кодларидаги ёзилган номи бошқа-бошқа тилдаги ҳарфларда (масалан рус ва лотин ) номланган бўлиши;
- Расм формати ва HTML ҳужжат кодларида кўрсатилган формат турли хил (масалан: JPEG ёки PNG ) бўлиши;

Бу хато ва камчиликлар HTML ҳужжатларига юклатилган расмнинг намоишини чекловчи энг кўп учрайдиган ҳолатлар бўлиб, HTML ҳужжат яратилаётганда уларга эътибор берилса хатодан холи HTML ҳужжат яратиш имкони туғилади.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/HTML>
2. <https://www.w3schools.com/tags/>

---

# Research Science and Innovation House